


## Дунё ва охират саодати учун режа



15:36 / 03.03.2025 2643

Мўмин-мусулмон инсон кундалик ҳаётида дунё ва охират саодатига мушарраф қилувчи энг муҳим режаларни тузиб, шу асосда иш юритиши лозим. Қуйида кундалик ҳаётимиз учун муҳим бўлган қонун-қоидаларни санаб ўтамиз:

- Намозларни суннат ва нафллари билан бирга вақтида адо этиш.
- Зикрларни вақти ва муайян сабабига кўра вазифа қилиб адо этиш.
- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот, тасбеҳ, таҳмид, таҳлил ва такбир каби мутлақ зикрларни ва бошқаларни адо этиб бориш.
- Қуръондан кундалик вирдларни ўқиб бориш ва камроқ бўлса-да, ёд олиш.
- Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ўқиш ёки эшитишни вирд, вазифа қилиб олиш.
- Душанба ва пайшанба кунлари ҳамда қамарий ҳисобнинг маълум кунларида қодир бўлганча нафл рўза тутиш.
- Илмий мажлис, ваъз эшитиш ёки руҳий тарбия китобларидан ўқиш.
- Қодир бўлгунингча кунлик садақа, эҳсон чиқариш.
- Оила, дўст-биродарлар билан яқин муносабатда бўлиш, қўнғироқлашиб бўлса-да, алоқада бўлиб туриш.

- Ўн оят ўқиб ҳам икки ракат таҳажжудни ҳамда витр намозини адо этиш.
- Кўзни тийиш, кам сўзлаш, гина, кек сақлашни тарк этиш, фойдали нарса билан машғул бўлиш.
- Ўлимни эслаш қалбни ислоҳ бўлишида муҳим туртки бўлувчи сабабдир.
- Оила аъзолар, фарзандлар билан бирга ўтириш, уларга чиройли муомалада бўлиш, кенглик қилиб бериш ва улар кўнглига сурур ва хурсандлик киритиш.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***

***«Ҳилол» журнали 4(37)-сон***